

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА СУД АЖРИМИ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Асқар Мамараймов

Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов

академияси мустақил изланувчиси, Сурхондарё вилоят суди судьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21919442>

Аннотация: иқтисодий судлар томонидан аксарият низолар мазмунан ҳал этилиб, ишнинг якуни бўйича ҳал қилув қарорлари қабул қилинаётган бўлса-да, айрим ҳолларда иш юритиш ишнинг мазмуни бўйича ҳал қилув қарори қабул қилмасдан, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳамда иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суд ажримларини қабул қилиш орқали тамомланмоқда. Бироқ, иқтисодий процессуал қонунчиликда белгиланган иқтисодий суднинг ажрими, уни чиқариш тартиби ва шакли, шунингдек ажрим устидан шикоят қилиш тўғрисидаги қоидалар етарли даражада ёритилмаганлиги мазкур институтни такомиллаштиришни тақазо қилмоқда.

Калит сўзлар: суд ажрими, низони мазмунан ҳал қилиш, алоҳида суд ҳужжати шаклидаги ажрим, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш, шикоят қилинмайдиган ажрим, суд мажлиси залида қабул қилинадиган ажрим.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий суд ишларини юритиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, ишларни юритиш тартибини соддалаштириш орқали уларнинг ортиқча вақти ва сансалорлигининг олдини олишга қаратилган.

Иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган аксарият низолар мазмунан ҳал этилиб, ишнинг якуни бўйича ҳал қилув қарорлари қабул қилинаётган бўлса-да, айрим ҳолларда иш юритиш ишнинг мазмуни бўйича ҳал қилув қарори қабул қилмасдан, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳамда иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суд ажримларини қабул қилиш орқали тамомланмоқда.

Масалан, республика иқтисодий судлари томонидан 2024 йилда жами 2 872 иш бўйича иш юритиш тугатилган, 9 658 та иш бўйича даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган бўлса, 2025 йилда 3 650 иш бўйича иш юритиш тугатилган ҳамда 9 704 та иш бўйича даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.¹

Бундан ташқари, суд ажримлари суд томонидан даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ҳамда иқтисодий иш қўзғатиш босқичидан бошлаб якуний суд ҳужжати қабул қилишгача бўлган жараёнда иш юритиш билан боғлиқ процессуал масалаларни, ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаларини ҳал этиш, далилларни талаб қилиб олиш ва текшириш ҳамда одил судловни таъминлашга қаратилган бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

Иқтисодий процессуал қонунчилигимизда белгиланган иқтисодий суднинг ажрими, уни чиқариш тартиби ва шакли, шунингдек ажрим устидан шикоят қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Суд статистикасини тизимли таҳлил қилиш бўлими томонидан тайёрланган иқтисодий судларнинг 2024 йил ва 2025 йил давомидаги фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар тўплами // Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2024-2025 йй.

тўғрисидаги қоидаларга мазкур институтдан суд амалиётида самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, иқтисодий ишни юритишни низони мазмунан ҳал қилишга қаратилган ҳал қилув қарори қабул қилмасдан, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ёки иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим қабул қилиш орқали тамомлашнинг ҳам процессуал қонунчиликдаги айрим асосларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хуқуқшунос олим М.Л.Скуратовский ҳал қилув қарори билан суд низони мазмунан ҳал қилса, суд ажримлари ишни мазмунан кўриш жараёнида юзага келадиган алоҳида масалаларни ҳал этишга қаратилганлигини таъкидлайди ҳамда суд ажримининг хуқуқий тавсифини кенгроқ тушуниш мақсадида турли асосларга кўра, уни қуйидагича таснифлайди:

► **қабул қилиш (қайд қилиш) шаклига кўра** – алоҳида суд ҳужжати шаклида қабул қилинадиган ва алоҳида ҳужжат тарзида расмийлаштирилмайдиган суд ажримлари. Ишни мазмунан кўриш якуни бўйича қабул қилинадиган суд ҳужжатидан алоҳида шикоят қилиниши мумкин бўлган ажримлар, процессуал қонунчиликда алоҳида қабул қилиниши тўғридан-тўғри назарда тутилган ажримлар (даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш, иш қўзғатиш ва суд муҳокамасига тайёрлаш, суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисидаги ва бош.), шунингдек иш юритиш низони мазмунан ҳал қилишга қаратилган ҳал қилув қарори қабул қилмасдан тамомланганда (даъво аризасини кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш), суд ажрими алоҳида ҳужжат тарзида расмийлаштирилади. Алоҳида суд ҳужжати расмийлаштирилмасдан қабул қилинадиган ажримлар бевосита ишни кўриш жараёнида ҳал этиладиган масалалар (масалан, суд мажлисида танаффус эълон қилиш, тақдим қилинган қўшимча далилларни ишга қўшиб қўйиш ва бош.) юзасидан оғзаки эълон қилинади ҳамда суд мажлиси баённомасига киритиб қўйилади;

► **хуқуқий оқибатига кўра** – суд жараёнида қабул қилинадиган, суд муҳокамаси олиб борилишини таъминлайдиган (ишни суд муҳокамасига тайёрлаш, суд муҳокамасини кейинга қолдириш) ҳамда иш юритиш низони мазмунан ҳал қилишга қаратилган ҳал қилув қарори қабул қилинмасдан тамомланганда (даъво аризасини кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш) қабул қилинадиган ажримлар. Иш юритишни ҳал қилув қарори қабул қилмасдан тамомлаш тўғрисидаги ажримлар ичида тарафлар ўртасида тузилган келишув битими суд томонидан тасдиқланганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бунда низо тарафлар келишган ҳамда суд томонидан тасдиқланган шартларда мазмунан ҳал этилади.

► **аниқ вазифалар доирасини ҳал этиш мақсадига кўра** – ишни қўзғатиш ва суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида белгиланган вазифалар (даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш, даъвони ва далилларни таъминлаш, суд топшириқларини юбориш, ишга учинчи шахсларни жалб қилиш ва бош.)ни ҳал этишга қаратилган ажримлар, суд муҳокамаси жараёнида юзага келадиган масалалар (далилларни талаб қилиб олиш, суд муҳокамасини кейинга қолдириш ва бош.) бўйича ажримлар, иш

юритишни тамомлашга қаратилган (даъво аризасини кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш) ажримлар ҳамда суд ҳал қилув қарорини тушунтириш ва унинг ижросини таъминлашга қаратилган (ҳал қилув қарори юзасидан тушунтириш бериш, ҳал қилув қароридаги ёзувдаги хато, ҳарфий хато ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни бартараф этиш) ажримлар фарқланади;

► **шикоят қилиниш тартибига кўра** – суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят қилиниши мумкин бўлган (иш юритишни тўхтатиб туриш, даъвони таъминлаш ва бош.) ва алоҳида шикоят қилинмайдиган (ишга гувоҳни жалб қилишни рад этиш) ажримлар мавжуд бўлиб, алоҳида шикоят қилиниши мумкин бўлган ажримлар процессуал қонунчиликда алоҳида кўрсатилган бўлади. Шикоят қилинмайдиган ажримлар бўйича эътирозлар якуний суд ҳужжати устидан апелляция ёки кассация тартибида берилган шикоятда алоҳида важ сифатида келтирилиши мумкин.²

М.К.Треушников фикрича, алоҳида суд ҳужжати шаклида қабул қилинадиган суд ажримлари судьялар маслаҳати сирини сақлаш таъминладиган шароитларда, ҳал қилув қарор қабул қилиш учун белгиланган қоидаларга мувофиқ қабул қилинса, суд мажлиси баённомасига киритиладиган ва алоҳида суд ҳужжати тарзида қабул қилинмайдиган суд ажримлари судья (судлов ҳайъати) томонидан суд мажлиси залидан чиқмаган ҳолда эълон қилинади ва суд мажлиси баённомасига киритилади.³

Иқтисодий суд ишларини юритиш соҳасини тартибга солувчи миллий қонунчилигимизда ҳам суд ажримларини чиқариш тартиби, шакллари ҳамда унинг устидан шикоят қилиш масалалари тартибга солинган бўлиб, фикримизча мазкур нормалар соҳада юзага келадиган муносабатлар ҳамда суд ажримлари билан боғлиқ суд амалиётидаги мавжуд муаммоларни етарли даражада тартибга солмайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда матнда ИПК деб юритилади)нинг 195-моддасида суд ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ажрим чиқариши, ушбу Кодексда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, суднинг ажрими алоҳида суд ҳужжати тарзида чиқарилиши, унча мураккаб бўлмаган масалаларни ҳал қилишда суд жойида ажрим чиқариши мумкинлиги, бундай ажрим суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилиши ва унда у қайси масала юзасидан чиқарилгани, суд ўз хулосаларини чиқаришига олиб келган сабаблар ҳамда кўриб чиқиладиган масала бўйича хулоса кўрсатилиши белгиланган.⁴

Бироқ, процессуал қонунчиликда суд ИПКда назарда тутилган ҳолларда ажрим чиқариши мумкинлигини белгиланган бўлса-да, суд муҳокамаси жараёнида юзага келиши мумкин бўлган бошқа масалалар ҳам ажрим асосида ҳал этилиши назарда тутилмаган.

Суд ажримлари асосан икки хил, яъни алоҳида суд ҳужжати шаклида, шунингдек алоҳида хона (маслаҳатхона)га чиқмасдан, суд мажлиси залида ҳал этиладиган ва суд

² Арбитражный процесс: Учебник 8-е изд. перераб. и доп./ А.В.Абсалямов, Д.Б.Абушенко и др.; под ред. д.ю.н. В.В. Яркова – М.: Статут, 2017. – с. 225-227

³ Арбитражный процесс: Учебник / Под ред. проф. М.К.Треушникова. М.: “Городец”, 2007. – с. 207.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. –Тошкент. Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. 2024.;

мажлиси баённомасига киритиладиган тартибда расмийлаштирилиши мумкинлиги кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, суд жойида ажрим чиқариши мумкинлиги белгиланган “унча мураккаб бўлмаган масалалар” жумласи мавҳум, “суд жойида ажрим чиқариши” жумласи эса юридик атамашунослик техникасига зид бўлиб, ушбу жумлалар ҳам аниқлаштирилиши лозим.

Суд ажримлари алоҳида суд ҳужжати шаклида чиқарилганда, судьялар маслаҳати сирини сақлаш таъминланадиган шароитларда, ҳал қилув қарор қабул қилиш учун белгиланган қоидаларга мувофиқ қабул қилиниши лозимлиги, шунингдек шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган суд ажримлари ҳам алоҳида суд ҳужжати кўринишида қабул қилиниши лозимлиги ҳақидаги нормалар ҳам процессуал қонунчилигимизда мавжуд эмас.

Бу борада айрим хорижий мамлакатлар процессуал қонунчилиги ўрганилганда, юқорида санаб ўтилган масалалар Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 184-моддасида⁵, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 268-моддасида⁶, Беларусь Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 212-моддасида⁷, Тожикистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 182-моддасида⁸ батафсил баён қилинганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 25 мартдаги “Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция, кассация тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сон қарорининг 32-бандида ИПКнинг нормаларида тўғридан-тўғри назарда тутилган ва иш кўришни давом эттиришга тўсқинлик қилаётган ажрим (хусусий ажрим)ларгина шикоят (протест) қилиниши мумкинлигини судлар назарда тутишлари кераклиги, ИПКнинг нормаларига мувофиқ, ишни ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиш (ИПКнинг 11-моддаси), ўзини ўзи рад қилиш ёки судья, прокурор, эксперт, мутахассис, суд мажлиси котиби, таржимонни рад қилиш тўғрисидаги масалани кўриш натижалари (ИПКнинг 23-моддаси), ишни бир суддан бошқасига ўтказиш (ИПКнинг 39-моддаси), бошқа жавобгарни ишда иштирок этишга жалб этиш ёки жалб этишни рад қилиш (ИПКнинг 44-моддаси), ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш (ИПКнинг 45-моддаси), ишда иштирок этишга учинчи шахсларни жалб қилиш (ИПКнинг 47, 48-моддалари), мутахассисни суд мажлисида иштирок этиш учун жалб қилиш (ИПКнинг 57-моддаси), далилларни талаб қилиб олиш ва уларни турган жойида кўздан кечириш (ИПКнинг 69, 70-моддалари), ашёвий далилларни қайтариш (ИПКнинг 79-моддаси), экспертиза тайинлаш ёки экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш (ИПКнинг 80-моддаси), суд топшириғи (ИПКнинг 91-моддаси), суд топшириғининг ижроси (ИПКнинг 92-моддаси), иш юритишни тиклаш (ИПКнинг 105-моддаси), процессуал муддатларни тиклаш (ИПКнинг 123-моддаси), процессуал муддатни узайтириш ёки узайтиришни

⁵ Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800

⁶ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // <https://adilet.zan.kz/rus/docs>

⁷ Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Беларусь. <https://studfile.net/preview/1725507/>.

⁸ Экономический процессуальный кодекс Республики Таджикистан. https://continent-online.com/Document/?doc_id=30587949.

рад этиш (ИПКнинг 124-моддаси), келишув битимини тасдиқлашни рад этиш (ИПКнинг 134-моддаси), суд буйруғини бекор қилиш (ИПКнинг 147-моддаси), даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш (ИПКнинг 153-моддаси), даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришни, даъво талаблари миқдорини кўпайтиришни ёки камайитиришни, даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечишини қабул қилиш ёхуд қабул қилишни рад этиш (ИПКнинг 157-моддаси), ишларни бирлаштириш (ИПКнинг 158-моддаси), талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратиш (ИПКнинг 159-моддаси), қарши даъвони қабул қилиш (ИПКнинг 161-моддаси), ишни суд муҳокамасига тайёрлаш (ИПКнинг 162-моддаси), ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари ва илтимосномаларини ҳал этиш (ИПКнинг 169-моддаси), суд муҳокамасини кейинга қолдириш (ИПКнинг 171-моддаси), қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим (ИПКнинг 189-моддаси), қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш (ИПКнинг 330-моддаси), ижро ишини юритишни тиклаш (ИПКнинг 346-моддаси) ҳақидаги ажримлар устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин эмаслиги тўғрисида раҳбарий тушунтириш берилган.⁹

Айрим хорижий давлатлар процессуал қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, масалан Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 140-моддасида¹⁰ суднинг ажрими айнан қандай масалалар бўйича қабул қилиниши мумкинлиги, қайсиларининг устидан шикоят қилиниши мумкинлиги бирма-бир баён қилинганлигини кузатишимиз мумкин.

Миллий процессуал қонунчилигимизда ҳам шикоят қилиниши мумкин бўлмаган суд ажримларининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида эмас, балки бевосита ИПКда назарда тутилиши соҳага оид қонунчиликнинг акомиллаштирилишига ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодий суд ишларини юритишда суд ажрими институтидан самарали фойдаланиш ҳамда уни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 195-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

“195-модда. Ажрим чиқариш

Суднинг ишни мазмунан ҳал этишга қаратилмаган ҳужжати ажрим шаклида қабул қилинади.

Суд ушбу Кодексда назарда тutilган ҳолларда, шунингдек суд муҳокамаси жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ажрим чиқаради.

Суд ажрими иқтисодий суд томонидан алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқарилади ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 25 мартдаги “Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция, кассация тартибда кўришнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сон қарори// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/uz/docs/-6878556>

¹⁰ Гражданский процессуальный кодекс Китайской Народной Республики https://cnlegal.ru/china_civil_procedure_law_2021.

Ушбу Кодексда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда ҳамда устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) назарда тутилган суднинг ажримлари алоҳида суд ҳужжати тарзида чиқарилади.

Бошқа барча ҳолларда суд ажрими судья (судлов ҳайъати) томонидан бевосита суд мажлиси залида эълон қилинади. Бундай ажрим суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва унда у қайси масала юзасидан чиқарилгани, суд ўз хулосаларини чиқаришига олиб келган сабаблар ҳамда кўриб чиқиладиган масала бўйича хулоса кўрсатилади.

Алоҳида суд ҳужжати тарзидаги ажрим судьялар маслаҳати сирини сақлаш таъминладиган шароитларда, ҳал қилув қарор қабул қилиш учун белгиланган қоидаларга мувофиқ қабул қилинади.

Суд ажрими устидан белгиланган муддатларда ва тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Алоҳида суд ҳужжати тарзида қабул қилинадиган ишни ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиш, ўзини ўзи рад қилиш ёки судья, прокурор, эксперт, мутахассис, суд мажлиси котиби, таржимонни рад қилиш тўғрисидаги масалани кўриш натижалари, ишни бир суддан бошқасига ўтказиш, бошқа жавобгарни ишда иштирок этишга жалб этиш ёки жалб этишни рад қилиш, ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш, ишда иштирок этишга учинчи шахсларни жалб қилиш, мутахассисни суд мажлисида иштирок этиш учун жалб қилиш, далилларни талаб қилиб олиш ва уларни турган жойида кўздан кечириш, ашёвий далилларни қайтариш, экспертиза тайинлаш ёки экспертиза тайинлашни рад этиш, суд топшириғи бериш, иш юритишни тиклаш, процессуал муддатларни тиклаш, процессуал муддатни узайтириш ёки узайтиришни рад этиш, келишув битимини тасдиқлашни рад этиш, суд буйруғини бекор қилиш, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш, даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришни, даъво талаблари миқдорини кўпайтиришни ёки камайитиришни, даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечишини қабул қилиш ёхуд қабул қилишни рад этиш, ишларни бирлаштириш, талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратиш, қарши даъвони қабул қилиш, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш, ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари ва илтимосномаларини ҳал этиш, суд муҳокамасини кейинга қолдириш, қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш, ижро ишини юритишни тиклаш ҳақидаги ажримлар устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин эмас”.

Низони мазмунан ҳал қилишга қаратилган ҳал қилув қарори қабул қилинмасдан иш юритиш тамомланишига сабаб бўладиган даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ва иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримлар суд ажримлари орасида ўзига хос хусусиятга эга. Мазкур ажримлар асосида низо мазмунан ҳал этилмаса-да, суд муҳокамаси яқунланиши билан бошқа суд ажримларидан фарқланади.

Миллий ва айрим хорижий давлатлар процессуал қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили мазкур ажримларни қабул қилишнинг айрим асосларини такомиллаштириш ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини аниқлаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Жумладан, ИПК 107-моддасида даъво аризасини кўрмасдан қолдириш асослари белгиланган бўлиб, 4-бандида қонунчиликка ёки шартномага кўра қарз банк ёки бошқа кредит ташкилоти орқали ундириб олиниши керак бўлишига қарамай, даъвогар жавобгардан қарзини ундириб олиш учун банкка ёхуд бошқа кредит ташкилотига мурожаат этмаган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдириши мумкинлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.¹¹

Даъво аризасини кўрмасдан қолдиришнинг ИПК 107-моддасининг 4-бандида белгиланган асоси ўзининг мазмунига кўра, шахсларнинг суд орқали ҳимояланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатувчи норма ҳисобланади.

Қолаверса, ИПК 107-моддасининг 5-бандида даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдириши белгиланган бўлиб, қонунчиликка ёки шартномага кўра қарз банк ёки бошқа кредит ташкилоти орқали ундириб олиниши керак бўлганда, судга мурожаат қилишдан олдин ушбу ташкилотларга мурожаат қилиниши ҳам низони судгача ҳал қилиш усули ҳисобланади.

Фикримизни суд амалиёти статистик маълумотлари асосида давом эттирадиган бўлсак, 2024 йил давомида республика иқтисодий судлари томонидан кўрмасдан қолдирилган жами 9 658 та даъво аризаларининг 507 таси ИПК 107-моддасининг 5-бандига асосан, атиги 19 таси 107-модданинг 4-бандига асосан кўрмасдан қолдирилган бўлса, 2025 йилда кўрмасдан қолдирилган жами 9 704 та даъво аризаларининг 652 таси ИПК 107-моддасининг 5-бандига асосан, атиги 10 таси 107-модданинг 4-бандига асосан кўрмасдан қолдирилганлигини кузатиш мумкин.¹²

Мазкур рақамлар ҳам қонунчиликка ёки шартномага кўра қарз банк ёки бошқа кредит ташкилоти орқали ундириб олиниши керак бўлишига қарамай, даъвогар жавобгардан қарзини ундириб олиш учун банкка ёхуд бошқа кредит ташкилотига мурожаат этмаганлиги даъво аризасини кўрмасдан қолдириш асоси сифатида суд амалиётида деярли ишламаётганлигини кўрсатади. Ушбу тартиб аксарият МДХ давлатлари процессуал қонунчилигида ҳам назарда тутилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **ИПК 107-моддасининг 4-бандини чиқариб ташлаш** мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/docs/6445145>

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Суд статистикасини тизимли таҳлил қилиш бўлими томонидан тайёрланган иқтисодий судларнинг 2024 йил ва 2025 йил давомидаги фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар тўплами // Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2024-2025 йй.

Бундан ташқари, айрим ҳолларда маълум объектив сабабларга кўра, суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида хабардор бўлмаган даъвогар биринчи суд мажлисига келмаганда, иш бўйича жавобгарнинг фикри ҳам сўралмасдан, даъво аризасининг “даъвогар биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаганлиги” асоси билан ИПК 107-моддасининг 6-бандига асосан кўрмасдан қолдирилиши судга даъво аризаси билан мурожаат қилган даъвогарнинг одил судловга эришиш даражасига салбий таъсир қилиши билан бирга, мазкур ҳолатда давлат божи даъвогарнинг зиммасига юклатилиши сабабли унга молиявий зарар ҳам етказди.

Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, 2024 йил давомида республика иқтисодий судлари томонидан кўрмасдан қолдирилган жами 9 658 та даъво аризаларининг 1 286 таси, 2025 йилда кўрмасдан қолдирилган жами 9 704 та даъво аризаларининг 1 818 таси ИПК 107-моддасининг 6-бандига асосан даъвогар биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаганлиги асоси билан кўрмасдан қолдирилганлигини кўриш мумкин.¹³

Бу борада айрим хорижий давлатлар процессуал қонунчилиги нормалари ўрганилганда, даъвогар биринчи суд мажлисига эмас, балки суднинг чақирувига биноан такроран суд мажлисига келмаганда, судга ишни ўзининг иштирокисиз кўриш ёки суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисида илтимоснома тақдим қилмаганда ва энг асосийси жавобгар ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилмаганда даъво аризаси кўрмасдан қолдирилиши мумкинлиги Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 148-моддасида¹⁴, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 279-моддасида¹⁵, Беларусь Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 151-моддасида¹⁶, Тожикистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 147-моддасида¹⁷ ўз аксини топганлигини кўриш мумкин.

Юқоридаги асосларга кўра, иқтисодий судларга даъво аризаси билан мурожаат қилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд орқали тўла ҳимоя қилинишини имкониятларини кенгайтириш ҳамда ушбу жараёнда жавобгарларнинг ҳам киритилган даъво аризаси юзасидан фикрлари инобатга олинишини таъминлаш мақсадида ИПК 107-моддасининг 6-бандини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади:

*“107-модда. Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш асослари
Суд қуйидаги ҳолларда даъво аризасини кўрмасдан қолдиради, агар:*

....

¹³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Суд статистикасини тизимли таҳлил қилиш бўлими томонидан тайёрланган иқтисодий судларнинг 2024 йил ва 2025 йил давомидаги фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар тўплами // Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2024-2025 йй.

¹⁴ Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800

¹⁵ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // <https://adilet.zan.kz/rus/docs>

¹⁶ Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Беларусь. <https://studfile.net/preview/1725507/>.

¹⁷ Экономический процессуальный кодекс Республики Таджикистан. https://continent-online.com/Document/?doc_id=30587949.

б) даъвогар тақдоран, жумладан суднинг чақирувига биноан суд мажлисига келмаган, судга ишни ўзининг иштирокисиз кўриш ёки суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисида илтимоснома тақдим қилмаган, жавобгар эса ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилмаган бўлса;”

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш борасидаги муносабатлар жадал ривожланаётган, иқтисодий судлар томонидан ҳал этилаётган низолар тоифалари мураккаблашиб бораётган бир пайтда иқтисодий судларда суд ажрими институтининг такомиллаштирилиши соҳада одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлайди.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/docs/6445145>;
2. Арбитражный процесс: Учебник 8-е изд. перераб. и доп./ А.В.Абсалямов, Д.Б.Абушенко и др.; под ред. д.ю.н. В.В. Яркова – М.: Статут, 2017. – с. 225-227;
3. Арбитражный процесс: Учебник / Под ред.проф. М.К.Треушникова. М.: “Городец”», 2007. – с. 207.;
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 25 мартдаги “Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция, кассация тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сон қарори// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/uz/docs/-6878556>;
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Суд статистикасини тизимли таҳлил қилиш бўлими томонидан тайёрланган иқтисодий судларнинг 2024 йил ва 2025 йил давомидаги фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар тўплами // Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2024-2025 йй.;
6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. –Тошкент. Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. 2024.;
7. Гражданский процессуальный кодекс Китайской Народной Республики <https://cnlegal.ru/china civil procedure law 2021>.;
8. Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Беларусь. <https://studfile.net/preview/1725507/>.;
9. Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации.https://www.consultant.ru/document/cons doc LAW_37800;
10. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // <https://adilet.zan.kz/rus/docs>.;
11. Гражданский процессуальный кодекс Кыргызской Республики http://Document/?doc_id=33430670.;
12. Экономический процессуальный кодекс Республики Таджикистан. https://continent-online.com/Document/?doc_id= 30587949.